

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

2
0
2
4

**“YASHIL” IQTISODIYOTGA O‘TISHDA INNOVATSIYALARNI
KENG JORIY QILISH VA BARQAROR IQTISODIYOTNI
INSTITUTSIONAL TARAQQIY ETTIRISH DOLZARBLIGI**

**INSTITUTIONAL DEVELOPMENT OF A SUSTAINABLE
ECONOMY AND WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS
DURING THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY**

**ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ УСТОЙЧИВОЙ
ЭКОНОМИКИ И ШИРОКОЕ ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ ПРИ
ПЕРЕХОДЕ К “ЗЕЛЕННОЙ” ЭКОНОМИКЕ**

Onlayin xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2024-yil 20-may



MAXSUS SON



74-91 xalqaro daraja
ISSN: 2992-8982



Google
Scholar

doi



Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Bosh muharrir:

Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich

Bosh muharrir o'rinbosari:

Karimov Norboy G'aniyevich

Muharrir:

Qurbonov Sherzod Ismatillayevich

Tahrir hay'ati:

Salimov Oqil Umrzoqovich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Abduraxmanov Kalandar Xodjayevich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Rae Kvon Chung, Janubiy Korea, TDIU faxriy professori, "Nobel" mukofoti laureati
Osman Mesten, Turkiya parlamenti a'zosi, Turkiya – O'zbekiston do'stlik jamiyati rahbari
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri
Buzrukxonov Sarvarxon Munavvarxonovich, i.f.d., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri o'rinbosari
Axmedov Durbek Kudratillayevich, i.f.d., prof., O'zR Oliy Majlisi qonunchilik palatasi deputati
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof., TDIU YoMMIB birinchi prorektori
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof., TDIU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori
Kalonov Muxiddin Baxritdinovich, i.f.d., prof., "O'IRIAM" ilmiy tadqiqot markazi direktori – prorektor
Yuldashev Mutallib Ibragimovich, i.f.d., TMI professori
Samadov Asqarjon Nishonovich, i.f.n., TDIU professori
Slizovskiy Dimitriy Yegorovich, t.f.d., Rossiya xalqlar do'stligi universiteti professori
Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich, i.f.d., prof., Xalqaro "Nordik" universiteti rektori
Aliyev Bekdavat Aliyevich, f.f.d., TDIU professori
Axmedov Ikrom Akramovich, i.f.d. TDIU professori
Po'latov Baxtiyor Alimovich, t.f.d., profesor
Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, i.f.d., TDIU professori
Isakov Janabay Yakubbayevich, i.f.d., TDIU professori
Musyeva Shoirazimovna, SamDu IS instituti professori
Axmedov Javohir Jamolovich, i.f.f.d., "El-yurt umidi" jamg'armasi ijrochi direktori o'rinbosari
Toxirov Jaloliddin Ochil o'g'li, t.f.f.d., TAQU katta o'qituvchisi
Xalikov Suyun Ravshanovich, i. f. n., TDAU dotsenti
Kamilova Iroda Xusniddinovna, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Rustamov Ilhomiddin, f.f.n., Farg'ona davlat universiteti dotsenti
Fayziyev Oybek Raximovich, i.f.f.d. (PhD), Alfraganus universiteti dotsenti
Sevil Piriyeva Karaman, PhD, Turkiya Anqara universiteti doktoranti
Mirzaliyev Sanjar Maxamatjon o'g'li, TDIU mustaqil tadqiqotchisi
Utayev Uktam Choriyevich, O'zR Bosh prokuraturasi boshqarma boshlig'i o'rinbosari
Ochilov Farxod, O'zR Bosh prokuraturasi iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bo'limi boshlig'i
Yaxshiboyeva Laylo Abdisattorovna, TDIU katta o'qituvchisi

Ekspertlar kengashi:

Berkinov Bazarbay, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
Hakimov Ziyodulla Ahmadovich, i.f.d, TDIU dotsenti
Tuxtabayev Jamshid Sharafetdinovich, i.f.f.d, TDIU dotsenti
Xamidova Faridaxon Abdulkarim qizi, i.f.d., TMI dotsenti
Babayeva Zuhra Yuldashevna, TDIU mustaqil tadqiqotchisi

Muassis: "Ma'rifat-print-media" MChJ

Hamkorlarimiz: Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O'zR Tabiat resurslari vazirligi, O'zR Bosh prokuraturasi huzuridagi IJQK departamenti.



II shu'ba

“YASHIL” IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY ETISHDA ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY ISTIQBOLLARI

Section II

DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS IN THE GREEN ECONOMY

II секция

ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ ПО ШИРОКОМУ ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В “ЗЕЛЕНУЮ” ЭКОНОМИКУ

PROGRESS
PECC





МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ

Бобобеков Эргаш Абдумаликович
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси



PROGRESS

ПРОГРЕСС

TARAQQIYOT

Аннотация: Ушбу мақолада юртимизда хусусий мулкчиликка бўлган ҳукуратимизнинг эътибори ҳамда хусусий секторнинг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий омиллар айтиб ўтилган. Бундан ташқари, корхона бошқаруви тизими ходимларига инновацион лойиҳаларни такомиллаштириш йўлида муҳим рол ўйнайдиган тавсия кўникмалар таҳлил орқали тушунтириб ўтилган.

Калит сўзлар: молиявий ресурс, хусусий мулк шакллари, истеъмол маҳсулотлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги, бозор иқтисодиёти.

Abstract: In this article, the government's attention to private ownership in our country and the economic factors necessary for the sustainable development of the private sector are mentioned. In addition, the recommended skills that play an important role in the improvement of innovative projects for the employees of the enterprise management system are explained through the analysis.

Key words: financial resources, forms of private property, consumer products, production efficiency, market economy.

Аннотация: В данной статье упоминается внимание государства к частной собственности в нашей стране и экономические факторы, необходимые для устойчивого развития частного сектора. Кроме того, посредством анализа поясняются рекомендуемые навыки, которые играют важную роль в совершенствовании инновационных проектов для сотрудников системы управления предприятием.

Ключевые слова: финансовые ресурсы, формы частной собственности, потребительские товары, эффективность производства, рыночная экономика.

Иқтисодий тараққиёт йўлидан илдам қадамлар билан бораётган мамлакатимиз мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб мулкчилик масаласига, жумладан, хусусий мулкни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бозор иқтисодиёти шундай тизимики, унинг бир нечта ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Булар хўжалик фаолиятининг эркинлиги, иқтисодий муносабатларнинг талаб ва таклиф асосида қурилганлиги, маҳсулот ва хизматлар баҳоларининг эркин шаклланиши, рақобат муҳитининг мавжудлиги ва ниҳоят энг муҳими, турли мулк шаклларининг мавжудлиги ҳамда хусусий мулкнинг устувор аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади. Шундай экан, хусусий мулкка қаратилаётган юқори эътибор табиийдир.

Хусусий мулк нафақат эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларининг бирлиги, балки эркин бозорни шакллантиришга имкон берувчи иқтисодий-сиёсий шароитлар яратилиши ҳамдир. Хусусий мулкнинг иқтисодий тараққиётга олиб борувчи барқарор тизимга замин яратувчилик жиҳатларининг бир нечта асослари борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Биринчидан, хусусий мулк ҳуқуқи мулкдорни мулкни оқилона бошқаришга рағбатлантиради ва мулкдорлик ҳисси кишини виждонан меҳнат қилишга етаклайди.

Иккинчидан, хусусий мулк ҳуқуқи инсонларни ўз иқтисодий аҳволини яхшилашга, мулкдан самарали фойдаланишга ундайди. Натижа фойдали бўлгач, мулкдор ўз малакасини оширишга, янада кўпроқ ва яхшироқ ишлашга ҳаракат қилади.

Учинчидан, мулкдор ўз манфаатларини кўзласа-да, у атрофдагиларга ҳам наф келтирувчи фаолият кўрсатади.

Тўртинчидан, мулкдор ўз мулкини нафақат бугунги кун даромади учун, балки келгуси авлоди учун жамғарма тарзида сақлашга эътиборини қаратади.



Хусусий мулк шаклининг ушбу ўзига хос афзалликлари дунё тажрибасидан маълум бўлганидек, кичик-кичик корхоналарнинг кейинчалик йирик ва машҳур трансмиллий корпорацияларга айланишига ва умуман, мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишига шароит яратган. Шу боисдан ҳам ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда ҳам мулкчиликнинг мазкур шаклини ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий, молиявий ва маркетинг тизимдаги бошқарув муносабатларининг такомиллашаётганлиги ўз навбатида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳолининг истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлмоқда. Шунинг учун саноат корхоналарини бошқаришни тўғри шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу ерда энг муҳим омиллардан бири корхоналарда хусусий мулкчилик билан боғлиқ масалаларни тўғри ҳал этиш, илғор давлатлар тажрибасида ўзини оқлаган замонавий бошқарув усулларини амалиётга қўллаш орқали мамлакатимизда маҳаллий истеъмол бозорларини сифатли товарлар билан тўлдириш ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш учун биринчидан, бозордаги зарурий мувозанатни таъминлаш муҳим бўлса, иккинчидан, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш каби муаммоларни ҳал этиш зарур ҳисобланади.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев бошчилигида жорий йилнинг 10 январ куни миллий саноатимизни ривожлантириш ҳамда ҳудудларда мавжуд имкониятларни аниқлаш, улардан ҳар томонлама фойдаланиш борасида видеоселектор йиғилиши ўтказилди¹. Мазкур йиғилишда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда саноат корхоналарини ўрни муҳим эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Шунинг учун айнан саноат корхоналарини ривожлантириш, уларни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар томонлама шароит яратиш ҳисобига сўнгги йилларда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилди. Мазкур соҳаларнинг инфратузилмасини яхшилаш учун 10 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди.

Мамлакатимизда саноат тармоғининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилаётган тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникаси каби тармоқларни “драйвер” соҳаларга айлантириш учун 3 млрд. АҚШ долларлик молиявий ресурслар ажратилиши таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга саноатни хомашё билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари учун ажратилаётган маблағларни 3 баробарга оширган ҳолда 600 тадан ортиқ янги конлар аниқланди. Натижада 2017-2021 йилларда саноат корхоналари сони 2 баробар кўпайиб, 100 мингтага етди, ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,4 бараварга кўпайди². Кимё саноатида ишлаб чиқариш ҳажми охириги уч йилда 1,5 бараварга, экспорт эса 2 бараварга ошди. Бироқ, айрим ҳудудларда ҳамон саноат корхоналарини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Шунинг учун Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги ўз Мурожаатномасида саноатни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш бўйича катта режаларни белгилаб берди. Шу боис мамлакатимизда саноат корхоналарини ривожлантиришда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчил таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсиш локомотивлари бўлишга қодир юқори технологияли саноат тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг энергия сарфи, моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш бўйича мавжуд захиралардан янада тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, жаҳон бозорида талаб барқарор бўлган рақобатбардош тайёр товарлар, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Бугунги кунда саноат корхоналари бошқарув тизимидаги мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш билан боғлиқ механизмлар корхоналар иқтисодий муваффақиятини таъминловчи асосий омиллардан бирига айланди. Хусусан, иқтисодий ислохотлар шароитида саноат корхоналарини тизимли бошқаришнинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- меҳнат ва меҳнатни ташкил қилиш ва ходимлар салоҳиятини баҳолаш муаммоларини таҳлил қилиш;
- малакали кадрларни танлаш ва ишга ёллаш, уларга меҳнатига муносиб иш ҳақи бериш;
- меҳнат жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини ташкил этиш;
- топшириқлар бажарилишини баҳолаш ҳамда ходимларни меҳнатига яраша моддий рағбатлантириш.

Бошқарувда яна бир муҳим омил бу – ходимларни малакаси, тажрибаси, лаёқатига қараб хизмат мартабасини режалаштириш, уларни малакасини ошириш имкониятини таъминлаш ҳисобланади. Шу билан бирга йилдан йилга импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақ-

1 <https://president.uz/uz/lists/view/5810>

2 https://uza.uz/uz/posts/oxirgi-besh-yilda-sanoat-korxonalari-soni-2-barobar-kopayib-100-mingtaga-etdi-ishlabchiqarish-hazhmi-14-baravarga-kopaydi_443680



садида ишлаб чиқариш қувватларини янгилашга ҳаракат қилинмоқда. Сўнгги йилларда истеъмолчиларнинг маҳсулот хилма-хиллигига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, саноати корхоналари томонидан маҳаллий ва хорижий бозорлар учун харидоргир бўлган товарларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бироқ, саноат корхоналари тармоқларида барча ишлар режада кўрсатилганидек амалга ошмаётганлигини, қабул қилинган дастурлар маромида кетмаётганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, бозор иқтисодиёти натижадорлиқни, эркинлик ва рақобатни тақазо этади.

Тармоққа киритилаётган инвестицияларнинг ортиб бориши билан унинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам ўсиб бормоқда. Агар тармоққа киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2006 йилда 88,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йил якунларига кўра 149,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган ёки 6 йил мобайнида кимёсаноат тармоғига киритилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми қарийб 1,7 баробарга кўпайган.

Ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ бошқарув қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- тармоқ корхоналарини саноатнинг жаҳон нархлари ва талабнинг ўзгариш тенденциялари ҳамда истеъмол афзалликларига асосланган маркетинг тадқиқотлари материаллари, мол етказиб берувчи ва истеъмолчиларни танлаш бўйича тавсиялар билан таъминлаш;
- тармоқ корхоналари томонидан маҳсулот янги турлари ҳамда уларни ишлаб чиқариш бўйича технологияларни ўзлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш, олиб борилган маркетинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқарувчиларнинг хом ашё ва ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш вазифасини ҳал этиш;
- тармоқ корхоналарига хусусий айланма маблағларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг айланиш тезлигини оширишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқариш-техник эҳтиёжлари учун зарур бўлган хом ашё ресурслари, материаллар, эҳтиёт қисмлар, технологик жиҳозларни етказиб берувчилари тўғрисидаги маркетинг тадқиқотлари материалларини бериш;
- ички ва ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида валюта-молиявий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги шакллари ривожлантиришга кўмаклашиш ва таклифлар тақдим этиш;
- реклама фаолияти, нашр ишлари, реклама-ахборот брошюралари, буклетлар, плакатлар ва бошқаларни чоп этишни ташкил этиш, корхоналар фаолияти тўғрисидаги телекўрсатув ва радио-эшиттириш дастурларини тайёрлаш;
- кўرғазмалар, кўрғазма-сотув, ярмаркалар ва маркетинг фаолиятининг бошқа шакллари орқали корхоналарнинг истеъмолчилар ва мол етказиб берувчилар билан хўжалик алоқаларини амалга оширишни ташкил этиш;
- енгил саноат бўйича республикадаги ва хорижий ахборотларни, шарҳларни ва бошқа материалларни таҳлил қилиш;
- корхоналарнинг бошқарув ваколатига кирувчи масалалар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш³.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бошқариш жараёни самарадорлигини тўғри баҳолаш ҳамда ишлаб чиқариш корхонаси бошқарув фаолиятини бир қатор самарадорлик – умумий комплекс, маҳаллий, умумлаштирувчи, сифат каби мезонларга мувофиқ таснифлаб, корхонанинг техник-иқтисодий, молиявий жиҳатдан ривожланиши ва барқарорлигига эришиш учун энг самарали, энг яхши бошқариш усулларини аниқлаш бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тошматов Х.Т. Инновация менежменти. –Тошкент: ТДТУ, 1999. – 108 б.
2. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. –Питер, 2010. С. 59.
3. Хамидова С.А., Агзамов С.А, Курбонова С.А. Инновацион менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2000. 54 б.
4. Чесбро Г. Открытые инновации (Создание прибыльных технологий). Пер. с англ. – Москва: Поколение. 2007. – 333 с.
5. Шукшунов В.Е. Роль высших учебных заведений в формирование инновационного пути развития отечественной промышленности. – Москва: АНВШРФ, 2000. – 300 с.
6. Рыманов, Ю., Бочарова И.Ю. Корпоративное управление. -2-е изд., перераб. и доп. - Москва: ИНФРА-М, 2020. - 395 с.
7. Хашимов А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш.: Иқтисод фанлари доктори....дисс.иши. – Т.: 2007. – 338 б.
8. <https://president.uz/uz/lists/view/5810>
9. https://uza.uz/uz/posts/oxirgi-besh-yilda-sanoat-korxonalari-soni-2-barobar-kopayib-100-mingtaga-etdi-ishlabchiqarish-hazhmi-14-baravarga-kopaydi_443680

3 Болтабоев М. Легкая промышленность Узбекистана // <http://institutiones.com/agroindustrial>.



MUNDARIJA

I shu'ba

IJTIMOY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN "YASHIL" IQTISODIYOTGA JADAL O'TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К "ЗЕЛеной" ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

The Development of Marketing Innovations in Retail Trade	4
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Направления совершенствования стратегии компании для успешной организации IPO	9
Шахзод Сайдуллаев	
"Yashil iqtisodiyot"ni rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	11
Abdurahmonov Xolboy To'xtayevich	
Тўқимачилик саноати кластерлари инновацион фаолиятининг барқарор ривожланиш муаммолари ва ечимлари	14
Икрамов Мақсад Муратович	
O'zbekistonda chakana savdo korxonalarini rivojlanishi va innovatsion faoliyati	20
Karimov Baxrom Ilxomjonovich	
Unveiling the Dynamics of Agglomeration Economies in Sustainable Development	24
Khakimov Ziyodulla Akhmadovich	
Kimyo tolalari asosida to'qimachilik mahsulotlari bozorini diversifikatsiyalash usullari	28
Raximov Furqat Jalolovich	
Qashqadaryo viloyatida Safari turizmini rivojlantirish dinamikasini o'rganish	32
Ro'ziyev Bobir Akramovich	
Брендни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича замонавий маркетинг назариялари ва стратегиялари	34
Зияева Шахло Шоакбар қизи	
The Development of Marketing Innovations in Retail Trade	37
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари	42
Каримов Бекзоджон Илхомович	
Ichki turizmni rivojlanlantirish tashkiliy mexanizmining asosiy prinsiplari	45
Dehqonov Burxon Rustamovich	
"Yashil" iqtisodiyotga o'tishda ko'zi ojizlar bandligining innavatsion yechimi	48
Usmonov Ziyodulla Ulmas o'g'li	
Аудиторлик текширувини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш хусусиятлари	51
Исмоилова Феруза Исроиловна	



II shu'ba

“YASHIL” IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY ETISHDA
ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY ISTIQBOLLARI

Section II

DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE WIDE IMPLEMENTATION
OF INNOVATIONS IN THE GREEN ECONOMY

II секция

ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ
ПО ШИРОКОМУ ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В “ЗЕЛЕНУЮ” ЭКОНОМИКУ

Ta'minot zanjirini boshqarishda transport logistikasi usullarini takomillashtirish.....	56
Zoxidova Nazokat Berdimurot qizi	
Rivojlanayotgan mamlakatlarda fond bozorining rivojlanishi tahlili.....	58
Axmedov Doniyorbek Ulugbek o'g'li	
Davlat moliyasini boshqarishda moliyaviy nazorat usullaridan samarali foydalanish yo'llari.....	60
Kultayev Farxod Shavkatovich	
Янги Ўзбекистонда инсон экологиясини юксалтиришнинг инновацион механизмлари.....	62
Ҳакимов Назар Ҳакимович, Раҳмонов Дўстмурод Абдиназарович	
Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда саноат ипотекасининг ўрни.....	67
Султанов Баҳром Бегдуллаевич	
Ижтимоий ҳимояни ривожлантиришда янгича ёндашувлар.....	70
Каримов Бекзоджон Илхомович	
Капитал бозорини ривожлантириш масалалари.....	72
Турдиева Узайда Омирбаевна	
Инновацион тараққиёт йўлига ўтиш даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи таъсирини оширирилиши.....	74
Алимжон Қулматов	
Zamonaviy logistika tizimida marketing strategiyalaridan foydalanishni takomillashtirish.....	78
Xasanov Sarvar Ulug'bek o'g'li	
The Development of Marketing Innovations in Retail Trade.....	81
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Innovatsion rivojlanishni baholovchi statistik ko'rsatkichlar tizimini takomillashtirish (xorij tajribasi).....	86
Nuriddinov Zufar Akbarovich	
Махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида.....	90
Давлаев Ғолиб Ашурович	
Hududlarning iqtisodiy jihatdan rivojlantirishda “yashil” iqtisodiyot va “yashil” ish o'rinlarining ahamiyati.....	92
Shomirzayev Abdug'affor Abdujabbor og'li	
Innovatsion menejment va raqamli transformatsiyalar jarayonlarini samarali boshqarish yo'llari.....	94
Safarova Dilfuza Baxramovna	
Ижтимоий харажатларни молиялаштиришнинг асосий масалалари.....	99
Тураев Очил Ярашевич	
Инсофли солиқ тўловчиларни кўпайтириш – солиқ кўрсаткичларининг муҳим омили сифатида.....	102
Абдурасулов Алишер Абдурасулович	
Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати – макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир...106	
Ҳотамов Алишер Фарходович	
Мулкий муносабатларни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни тартибга солиш ва самарали бошқариш усуллари.....	109
Бобобеков Эргаш Абдумаликович	

Jurnal sayti: <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Ingliz tili muharriri: Feruz Hakimov

Musahhih: Xondamir Ismoilov

Sahifalovchi va dizayner: Iskandar Islomov

2024. Maxsus son

© Materiallar ko'chirib bosilganda "Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma'sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.

El.Pochta: sq143235@gmail.com

Bot: [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77)

Tel.: 93 718 40 07

Jurnalga istalgan payt quyidagi rekvizitlar orqali obuna bo'lishingiz mumkin. Obuna bo'lgach, [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77) telegram sahifamizga to'lov haqidagi ma'lumotni skrinshot yoki foto shaklida jo'natishingizni so'raymiz. Shu asosda har oygi jurnal yangi sonini manzilingizga jo'natamiz.

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali 03.11.2022-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №566955 reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.

Litsenziya raqami: №046523. PNFL: 30407832680027

Manzilimiz: Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani
Kumushkon ko'chasi, 26-uy.



Jurnalning ilmiyligi:

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali

O'zbekiston Respublikasi
Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar
vazirligi huzuridagi Oliy
attestatsiya komissiyasi
rayosatining
2023-yil 1-apreldagi 336/3-
sonli qarori bilan ro'yxatdan
o'tkazilgan.